Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА adolat_sdp@doda.uz ● www.adolat.uz ● № 41 (846) ● 2011 йил, 30 сентябрь, жума

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Кадиров Рахматилла** — Элликқалъа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Низомов Хурсанмурод Амонович** — Тайлоқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Азизова Муборак Яхьяевна** — Олмазор туманидаги 298-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Азизова Узрониса Абдулахатовна** — Олтинкўл туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Наврузова Гулнора Рузимовна** — Ҳазорасп туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Бозоров Садиллахон Хайруллаевич** — Чуст саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Давлятова Рахима Урунбаевна** — Оҳангарон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Недикова Валентина Анатольевна** — Фарғона шаҳридаги болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

**Раҳматова Моҳира Ҳикматовна** — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Скоромкина Ирина Ивановна** — Навоий кончилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Холматова Нурия Ўтаевна** — Жиззах туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Худайқулов Холбозор Ярманович** — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Чориева Марзия Баймухаметовна** — Термиз туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Эргашева Барно Яхяевна** — Китоб туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бозоров Абдуғани** — Қизириқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Давоми 2-бетда



## Ҳуррият берган ардоқ

(«Ватанни севган, суйган одам — элим деб, юртим деб ёниб яшайди» туркумидан)

Бағишлов

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Бу ун Ватанимиз Мустақиллигининг ўтган шонли 20 йили давомида Умумхалқ байрами мавқеини олган — Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан айни Истиқлол йиллари касби-коридан қадр топиб, Қаҳрамонлик унвонига мушарраф бўлган барча Қаҳрамон ўқитувчилар, мураббийлар кўз олдимдан ўтмоқда...

Ҳа, айни Мустақиллик йилларига келиб қадр топган бу заҳматкаш сиймолар сийратида Юртбошимиз лутфи билан **«...миллат келажаги учун толмай хизмат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, Ватани ва халқига фидокор комил инсонларни вояга етказишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этаётган заҳматкаш ва фидоий инсонларни...»** кўриб турибмиз.

Давоми 8-бетда

## Ташаббускорлик ва фидойилик —

янги ютуқларимиз гарови

**Муҳаррир минбари.**

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Байрам шукуҳи қалбларимизда ҳамон сақланиб турибди. Шу улуғ сана муносабати билан жаҳон давлатлари раҳбарларидан муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов номларига келган қутловларда халқимизнинг кейинги йигирма йил ичида эришган ютуқларига жуда катта баҳо берилади. Қисқа вақт ичида миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, янги эркин демократик жамият қуриш, ўтиш даврида аҳоли турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларини, сиёсатчи ва иқтисодчиларни қизиқтириб тургани сир эмас. Бугун мамлакатимиз халқимизнинг тинч-тотув ҳаёти, халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришган оламшумул ютуқлари, жаҳон ҳамжамиятидаги мустаҳкам ўрни ва обрў-эътибори билан ҳам кўзга ташланиб турибди. Халқимиз мана шундай яхши кайфиятда, буюк келажагимизга ишончи янада ошган, истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлган бир ҳолатда мустақилликнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйди. Бу ўн йиллик ҳам янги ғалабаларга бой бўлиши табиий.

Давоми 3-бетда



## Оила моддий таъминоти

хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ўрнига ҳам боғлиқ

**Парламентда**

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аёлларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган эътибор самараси ўлароқ бугун республикамиз халқ хўжалигининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда хотин-қизлар муносиб иштирок этмоқда.

Давоми 2-бетда

## Истиқболга йўналтирилган ислоҳотлар

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг раҳбарлари, илғор ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида янги, замонавий таълим тизимига асос солингани самарасида мустақил ва соғлом фикрли, ижодий-интеллектуал салоҳияти юқори, жамиятимизнинг ишончи ва таянчи бўлишга қодир баркамол авлод вояга етаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун замонавий билим масканларини барпо этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самарадорлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўқитувчилар меҳнатини эъзозлаш, малакасини ошириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан улкан ишлар қилинмоқда.

Тизимдаги кенг қамровли ислоҳотлар мактабгача таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат, спорт мактаблари, «Баркамол авлод» болалар марказлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини давр талаби асосида йўлга қўйиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, компьютер техникаси билан таъминлашда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Юртимизнинг умумий ўрта таълим мактабларини тамомлаган барча битирувчилар ўқитишнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олинаётир. Эндиликда юртимиздаги 1537 ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув даргоҳида йигит-қизлар билим олиш билан бирга меҳнат бозори талабларига мос тарзда касб-ҳунар эгалламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 20 майда қабул қилган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Қарорга кўра, олий таълим даргоҳларидаги ўқитиш сифатини янада юксалтириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашувни мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳар жиҳатдан эъзозлашга эътибор янада кучайди.

Матбуот анжуманида таълим тизимининг барча бўғинларидаги маърифий лойиҳалар, ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилаётган эътибор ва рағбат ҳақида кенг маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

### Инновацион лойиҳалар — ҳаётга



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси зиммасига жуда катта вазифа юклайди. Чунки айнан бизнинг партия Ўзбекистонимизда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш, мамлакатнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ташаббуси билан чиқмоқда.

4-бет

### Назорат — сифатга кафолат



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом» талаблари асосида вилоятлар йилнинг биринчи ярим йиллигида 759 та (тегишли равишда — Наманган вилоятида 236 та Андижон вилоятида 523 та) қурилиш объектлари рўйхатдан ўтказилиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар берилди...

5-бет

### Йўлингиз равон бўлсин



Йўналишсиз таксиларни бошқа автотранспорт воситаларидан ажралиб туриши учун уларнинг рангларини ҳам бир хиллаштириш назарда тутилган. Шунга кўра Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатадиган йўналишсиз таксилар «фил суяги» рангли, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда фаолият юритадиган йўналишсиз таксилар «сариқ» рангда бўлиши лозим.

8-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда

**Умиркулова Саида** — Оқдарё туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Якубов Бахтиёр Далиевич** — Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдурахимова Мавлуда Олимовна** — Пешку саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Алибаева Рано Ғиёсовна** — Мирзаобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Алланазарова Барчин Ражабовна** — Шеробод тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Артикова Шарофат Махкамовна** — Чирчиқ шаҳар саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг иқтисодиёт асослари фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Базарова Мавжуда Шадиевна** — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Бекназарова Лизахан Зайтовна** — Қораўзак туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Джураева Жамила Зульпоновна** — Жиззах шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Зокиров Фарҳод Убайдуллаевич** — Навбаҳор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Камалова Дилдорахон Эргашбаевна** — Андижон машинасозлик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Назаров Азбиддин** — Қўшработ туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Махмудова Муборак** — Қўшкўпир туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Тошматов Муродилбой Машрабович** — Фарғона саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ходжаева Махтума Зиятовна** — Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Юсупов Икрамжан Низамидинович** — Учқўрғон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бегмуродова Ойдин Хуррамовна** — Қарши тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Даулетбаев Курбанбай Аманликович** — Нукус туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Садиков Хикмат Исакович** — Бухоро вилояти 5-олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Бухоро вилояти

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуазимова Зилайха Исиргаповна** — Сардоба туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Абрамова Татьяна Владимировна** — Қарши шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Атагельдиев Кенжебай Абдиевич** — Беруний туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Атаджанов Юсупджон** — Қўқон нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ишчанова Норгул Машарибовна** — Шовот қурилиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Қосимов Ғайбулло Мухаматович** — Жондор туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Литвинова Ольга Ивановна** — Ҳамза туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Намазова Мавлюда Ураловна** — Зарбдор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ниязова Адолат Абдурахмоновна** — Денов қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Нурбаев Нурмахамбет Сарсенович** — Бўстонлиқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Тошкент вилояти

**Хадиев Шухрат Мардонович** — Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

**Хамралиев Зохиржон Сотиболдиевич** — Наманган қурилиш ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Цой Галина Тимофеевна** — Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

**Шерхалов Кучкар Хусанович** — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Авазов Саидали Эргашевич** — Сариосиё туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

**Алиева Оминахон Сотиволдиевна** — Асака туманидаги 16-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Аманбоев Боходир Иргашбоевич** — Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

**Артиков Алишер Абдуллаевич** — Сайхунобод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, Сирдарё вилояти

**Асронов Акмалжон Адхамович** — Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ахмаджанов Абиджон Абдуллажанович** — Жалолқудуқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи, Андижон вилояти

**Ахмедов Шухрат Юнусович** — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ачилова Фароғат Атабаевна** — Хонқа туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Бекчанова Наргиза Наримоновна** — Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Бердикулов Баходир Абдуллаевич** — Данғара туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Вохидова Назокат Шариповна** — Шаҳрисабз туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг психологи, Қашқадарё вилояти

**Ембергенов Музапбар Нсанбаевич** — Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жобборова Гулнора Бекчановна** — Янгиариқ туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Жураев Ҳусан Файзуллаевич** — Иштихон туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Зойиров Субхон Раззоқович** — Шофиркон туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Зокирова Дилҳумор Тургуновна** — Тошлоқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Исакджанов Ахадхон Исманджанович** — Наманган давлат университети қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Исмаилова Зульфия Жумановна** — Арнасой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Исоқбоев Акрамжон Ахмаджонович** — Чортоқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика ва информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Кадирова Миуагуль Генжебаевна** — Тахиатош политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Каримова Бибихол Хайруллаевна** — Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйи мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Каримова Ҳосият Кудратовна** — Қамаши туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Каюмова Зухриниса Рашидовна** — Юнусобод туманидаги 498-мактабгача таълим муассасасининг мусиқа раҳбари, Тошкент шаҳри

**Кенжаева Яхшигул Абдурахимовна** — Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Навоий вилояти

**Қутлиева Зебо Қулиевна** — Вобкент туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Минибаева Сания Сабировна** — Бекобод шаҳар саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Муминов Бахадир Курбаналиевич** — Ангрен кимё саноати касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Муратбекова Рамзия Хайриевна** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Мухаммадиев Алишер Далиевич** — Яккабоғ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мухамадиева Гулзада Ишмуратовна** — Жарқўрғон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Назарова Инаятхан Джалаловна** — Олмалиқ шаҳар саноат касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Назарова Фатима Шариповна** — Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Очилова Райима Махмудовна** — Кармана туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Расулова Феруза Юсуповна** — Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби дутор синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Саваева Рислигой Жумановна** — Наманган туманидаги иқтисодиёт коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Салимова Бувробия Сапаровна** — Зафаробод агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Сатторов Холдор** — Қўштепа туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Сатибалдиев Бахтияр Махмудович** — Олмазор политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Сейтмуратова Лалагул Генжемуратовна** — Чимбой туманидаги 8-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Султонова Сайёра Дилмуродовна** — Поп тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Умарова Машрабхон Ахмадовна** — Яккасарой туманидаги 144-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Урунбаева Шахло Шералиевна** — Ўртачирчиқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Урунов Ортиқ Умматович** — Булунғур маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Усмонова Арофатхон Мадаминовна** — Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Хасанова Насиба Мэлисовна** — Пайариқ туманидаги 79-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ходжиева Ойгул Кадировна** — Марғилон енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Худайбердиев Акмал Иноятович** — Қоракўл саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

**Эргашов Кароматилла Тўхтаевич** — Касби туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 29 сентябрь*

# Оила моддий таъминоти

## хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ўрнига ҳам боғлиқ

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида ҳам хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, хотин-қизларни давлат ҳокимияти органларининг барча жабҳаларига хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларга кенг имкониятлар яратиш устувор вазифалардан этиб белгиланган.



Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ролини янада ошириш истиқболлари" мавзуида ташкил этилган давра суҳбатини бу борада амалга оширилаётган ишларнинг амалий ифодаси бўлди дейиш мумкин.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси, тадбиркорлик фаолиятини юритаётган хотин-қизлар, соҳага дахлдор барча вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, банклар, иқтисодчи мутахассислар, экпертлар, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган давра суҳбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ҳаётга татбиқ этилиши ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳамда соҳага хотин-қизларни янада кенгроқ жалб этиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Иқтисодиётимизда тобора муҳим аҳамият касб этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йил сайин ошиб, ҳозирги кунга 53 фоизни ташкил этаётгани ва бу улкан ютуқларда, албатта, минглаб тадбиркор аёлларимизнинг ҳам бекиёс ҳиссаси борлигини эътироф этиш лозим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари И.Саифназаров. — Партиямиз сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнларида фаол иштирок этишни асосий мақсад қилиб белгилаб, унда хотин-қизларнинг ролини кучайтиришга катта аҳамият берилган. Бугунги кунда партиямиз аъзоларининг 49 фоизга яқинини, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимизнинг 37 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши ҳам Ўзбекистон "Адолат" СДПда аёлларга эътибор юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда давра суҳбатимизнинг мақсади ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ролини янада ошириш, **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастури асосида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни иш билан таъминлашда ёшларга кенг имкониятлар яратиш, сиёсий партияларнинг, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг тадбиркор, ишбилармон аёлларимиз билан ҳамкорлигида миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантиришдаги улушини оширишдан иборатдир.

— Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини ҳамда турли жабҳалардаги иштирокини таъминлаш борасида юздан ортиқ миллий ва халқаро қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилди, — деди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Э.Баситханова. — "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги, Давлатимиз раҳбарининг "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари бу йўналишдаги ишларни давр талаби асосида йўлга қўйиш имконини бермоқда. Бу, айниқса, юртимизда оилаларнинг иқтисодий ва маънавий мустаҳкамланганлигида намоён бўлмоқда.

Аёлларнинг оилавий иқтисодга қўшаётган ҳиссасини ошириш мақсадида уларга мос меҳнат турларини кўпайтириш, деҳқон хўжаликларини, паррандачилик, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллиги ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам аёлларнинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг икки фоизини аёллар бошқараётгани, фермер аёлларимиздан икки нафари Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Республика Хотин-қизлар қўмитаси маҳаллий ҳокимликлар, сиёсий партиялар, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ўз бизнесини бошлаши учун кўмаклашиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Мунтазам ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида минглаб хотин-қизлар ўзларига муносиб иш топаётган бўлса, ҳуқуқшунослар, иқтисодчи олимлар, экспертлар иштирокидаги давра суҳбатлари маҳаллаларда касаначилик меҳнатини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ишини тўғри йўлга қўйиш, миллий қонунчилигимизга доир янгиликлардан аёлларни бохабар этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимуҳамедовнинг таъкидлашича, бугунги кунда оилалар моддий таъминотининг муҳим омили хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлашдан иборатдир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар натижасида биргина ўтган йилда мамлакатимизда яратилган 950 мингдан ортиқ иш ўринларининг 458 мингдан ортиғи аёллар ҳиссасига тўғри келганлиги ҳам эътиборга моликдир. Шунингдек, яратилган иш ўринларида хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси З.Ботирова ўз маърузасида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришга қаратилаётган ислоҳотлар замирида баркамол авлодни камол топтириш ва шу орқали юртимизнинг порлоқ келажагини таъминлашдек улуғ мақсад ётганлигини алоҳида таъкидлади.

Маърузачи, шунингдек, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масаласига эътибор қаратар экан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида мамлакатимизда оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асосини яратиш орқали янги иш ўринларининг очилишига шароит яратиш лозимлиги, оилавий бизнесни иқтисодиётнинг турли соҳаларига жалб этиш мақсади ўрин олганлиги, бундай ёндашув миллий анъаналарга, мавжуд хўжалик юритиш ҳолатига мос келиши кўрсатиб ўтилганлиги хусусида тўхталди. Бу борада партиянинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан электоратимиз манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратиш, хусусан, соҳани ривожлантиришда банк-молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти, банклар фаолияти орқали тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, партия электорати вакилларининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш бўйича билимларини ошириш ва уларга амалий кўмак бериш каби масалалар кенг муҳокама қилинди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига асосан жойларда тадбиркор аёлларнинг кредит олишда, фаолиятларида тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни ҳал этишда имкон даражасида кўмак берилишини, мамлакатнинг энг чекка ҳудудларида ҳам аёлларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бандлик муаммоларини бартараф этиш бўйича бизнес-режалар тузиш, оилавий бизнесни шакллантириш бўйича турли хил тавсиялар айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида тадбиркорлик соҳасида катта ютуқларни қўлга киритиб келаётган аёллар ўзларининг кўп йиллик тажрибалари билан ўртоқлашган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва янада жонлантириш учун кредитлар олишда хотин-қизлар учун яратилган имтиёзлар, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг фаолияти ҳамда депутатларнинг соҳадаги қонун ижодкорлиги борасида ўзларини қизиқтирган саволларга иштирокчилар Марказий банк мутасаддилари ва депутатлардан батафсил жавоб олишди. Тадбир якунида бу каби давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб туриш ҳамда бу борада келажакда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

# Ташаббускорлик ва фидойилик —

## янги ютуқларимиз гарови

Давоми. Боши 1-бетда

Бизнинг кейинги йигирма йиллик ҳаётимиз ҳаммамиз учун энг буюк ва энг азиз бўлган мустақиллик даврида кечди. Шу йиллар ичида истиқлол билан бирга биз ҳам ўсиб улғайдик, ёшимизга ёш қўшилди, дунёқарашимизда, онг-шууримизда, турмуш-тарзимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Халқимиз тарихининг буюк ва ўчмас саҳифасини бошлаб берган 1991 йилнинг 1 сентябрида дунёга келган ватандошларимиз янгича шароитда, эркинлик, ҳурлик бағрида балоғат ёшига етдилар. Миллатнинг келажаги, халқимизнинг янада фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг бундан буёнги шон-шавкати қалби шижоат, қатъият, замонавий билимларни эгаллашга бўлган иштиёқ билан тўла шу ёшларга боғлиқ эканлигини улар яхши тушунадилар ва бу билан фахрланадилар.

Биз бугун олдимизда турган янги улуғвор вазифалар тўғрисида ўйлар эканмиз, истиқлол даврида эришган ғалабаларимиз, уларни қандай қўлга киритганимиз, курашларга тўла умримиз, ҳаяжонли лаҳзалар гавдаланади. Бу даврнинг курашларга тўла ҳар бир йили, ҳар куни, ҳеч муболағасиз, миллат тарихига, мангуликка дахлдор бўлиб қолди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганларидек, “Ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онг-шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуғ сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак”.

Йиллар ўтади, Юртбошимиз раҳбарлиги ва ташаббуслари билан бошланган буюк янгиланиш ишини янги авлодлар давом эттиради. Аммо шу нарса аниқки, истиқлолимизнинг дастлабки икки ўн йиллиги натижалари мустаҳкам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий пойдевор сифатида келгуси наслларни янада муҳим, салмоқли ютуқ ва ғалабалар сари илҳомлантиради. Улар миллатимизнинг истиқлолгача бўлган ғурбатли тарихини, бу йўлда чекилган азоб-уқубатларни, оғир йўқотишларни, берилган қурбонларни, ҳақорат ва хўрликларни, ота-боболаримиз бу азобларга қандай дош берганларини, эркин ва озод ҳаёт орзуси улар қалбида ҳеч қачон сўнмаганини қанчалар қизиқиш билан ўргансалар, истиқлолга эришганимиздан кейинги ҳаётимиз, айниқса, дастлабки йилларда қандай қаршиликларга дуч келганимиз, моддий ва маънавий хуружларни қандай бартараф этганимиз, бу жараён осон кечмаганини, истиқлолни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, уни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асраш-авайлаш, мамлакатимизда тинчлик-тотувликка, аҳил-иноқликка эришиш ўта қийин ва мураккаб кечганини, муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида энг оғир муаммоларни тадбиркорлик, сабр-бардош, ақл-идрок билан енгиб ўтганимизни ҳам шундай қизиқиш ва ҳавас билан ўрганадилар.

Бундай дейишга ҳамма асослар бор. Дунё тарихига назар ташласак, истибдод зулмидан озод бўлган халқларнинг барчаси ҳам бу ғалабани тўла сақлаб қолган эмас. Ўзбекистон жуда қисқа давр ичида моҳият эътибори билан икки эмас, беш-олти ўн йилликка тенг келадиган мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтди. Тўқсон биринчи йилда, ундан кейинги бир неча йиллар ичида биз учун энг муҳим вазифа — собиқ тузум асоратларидан, унинг номақбул шиорларидан қутилиш, ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлини топиш, пароканда иқтисодни қайта изга солиш ва жонлантириш, таъминотдаги узилишларнинг олдини олиш, янада муҳими — одамларда, айниқса, ёшларда эртанги истиқбол кунларига бўлган ишончни сусайтирмаслик, бутун мамлакатда тадбиркорлик ва ташаббускорликни кучайтириш, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, дунё ҳамжамияти сари дадил интилиш бўлди.

Мустақилликка собиқ иттифоқ таназзулга юз тутган бир пайтда, мамлакатимизнинг ўзида ҳам вазият анча жиддийлашган шароитда қадам қўйилгани кўпчиликнинг ёдида. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда “Ўзбек модели” деб эътироф этилган эволюцион тараққиёт йўли боис, мамлакатимизда бу муаммолар муваффақиятли ҳал этилди. Чунки, кўзланган мақсад, миллий истиқлолимизнинг бош ғояси ва асосий тамойилларида аниқ-равшан белгилаб олинган эди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Биз юртимизда янги ҳаётнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик”.

Бу мақсад бизни дунё майдонига олиб чиқди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли, обрў-эътиборли, келажаги буюк аъзосига айланди. Истиқлол йилларида халқимиз ҳаётининг турли соҳаларида тўпланган бой ва ноёб тажриба бугун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилаётгани, мамлакатимиз пойтахти ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, илм-фан, спорт ва бошқа муҳим йўналишларда жаҳоннинг расман эътироф этилган марказларидан бирига айлангани фикримизга далил бўла олади.

Бугун ўтган йилларга назар ташлар эканмиз, энг катта ютуғимиз муҳтарам Юртбошимизнинг “Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур” — деган кўрсатмаси, янги уйни қурмай туриб, эски уйни бузмаслик, борини асраш, йўғини яратиш, ҳамма соҳада ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга, халқимизнинг ақл-идроки, тарихий тажрибаси, ғайрат-шижоатига таяниш лозимлиги тўғрисидаги амалий маслаҳатларига оғишмай амал қилганимиз десак, муболаға бўлмайди.

Бу кўрсатмалар халқимизга бундан кейин ҳам, жуда узоқ йиллар давомида, шубҳасиз, қўл келади. Давлатимиз раҳбари таклиф этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида аниқ-равшан белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши, хусусан, янги қатор қонунларнинг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизда сезиларли ўзгаришларга асос бўлади, деб айта оламиз. Шу жиҳатдан қараганда, учинчи ўн йилликда “Адолат” социал-демократик партияси олдида турган энг муҳим вазифалар — фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг давлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик ҳаракатини йўлга қўйиш, бу ҳаракатнинг муҳим аҳамиятини омма орасида кенг тарғиб қилиш, ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ислоҳотларнинг ошкоралиги ва самарадорлигига эришиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, жамият ҳаётида ижтимоий адолат принципларига бундан буён ҳам қатъий амал қилиш бўлиб қолади. Бу йиллар мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партия ва ҳаракатлар учун ҳам муҳим синов даври бўлади. Шу боисдан ҳам биз, адолатчилар, ўз ваколатларимиздан тўғри ва оқилона фойдаланган ҳолда, сафларимизга фидойи, журъатли, ташаббускор, замонавий билимларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлашга қодир ёшларни кўпроқ жалб этишимиз, таъсирчан сўзимиз, амалий ишларимиз, янги таклифларимиз билан аҳоли турли қатламлари орасига янада дадил кириб боришимиз, партиялараро рақобатда ўз нуфузимизга эга бўлишимиз лозим.



# “Соғломлаштириш ҳафталиклари”

## доирасида 8 ой давомида вилоят туманларида 3330 нафар ҳомиладор аёллар ультратовуш скринингидан ўтказилиб, олинган натижаларга кўра тегишли чора-тадбирлар кўрилди

**Репродуктив саломатлик**

**Ўзбекистон “Адолат” СДП,**
Хоразм вилоят Кенгаши
матбуот хизмати.

Хоразм вилоятидаги Маънавият-тарғибот марказида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг “Аёллар ва ёшлар билан ишлаш” бўлими, Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилояти Кенгаши “Хотин-қизлар қаноти” ва вилоят ҳокимлигининг Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — соғлом жамият кафолати” мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни кучайтириш масалалари, бу борада вилоятда олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

— Мустақиллигимизнинг ўтган 20 йиллиги давомида фуқароларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида юртимизда жадал ислоҳотлар амалга оширилди, — деди Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси З.Ботирова. — Давлатимиз раҳбарининг соҳани ислоҳ этишга қаратилган бир қатор қарор ва фармонлари ҳамда қабул қилинган қонунлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ ўтган даврда мамлакатимизда оналар ўлими икки ярим, болалар ўлими уч баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Бундан кўриниб турибдики мамлакатимизда аёллар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида муайян тажриба орттирилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, соҳадаги вазифаларнинг негизида юрт келажаги, келажак авлодларимизнинг саломатлиги, оилаларимиз мустаҳкамлиги ётар экан, аёлларни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Семинарда таъкидланишича, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида республикамизда 13503 нафар ҳомиладор аёл пренатал ультратовуш бўйича кўрикдан ўтказилиши натижасида, улардан 331 нафарида ҳомиланинг аномал ривожланиши аниқланиб, туғма ногиронликнинг олдини олишга эришилди.

— Соҳага доир норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида ҳомиладор аёллар ўртасида скрининг хизмати бўйича “Соғломлаштириш ҳафталиклари” ташкил қилинган, — деди вилоят Скрининг маркази директори Гулнора Сафарбоева. — Ушбу ҳафталикларда 8 ой давомида



вилоят туманларида 3330 нафар ҳомиладор аёллар туман тиббиёт бирлашмалари ва қишлоқ врачлик пунктларида ультратовуш скринингидан ўтказилиб, олинган натижаларга кўра тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Шунингдек, семинар давомида қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ва уларнинг олдини олиш мақсадида партиянинг вилоят Кенгаши ташаббуси билан олий ўқув юртлари, коллеж ва лицей талабалари ўртасида ўтказилган тарғибот ишлари ана шундай муаммоларнинг олдини олишда яхши самара бераётгани таъкидланди. Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг сайловолди дастурида партия аҳолига тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори эканлиги ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиришни белгилагани тўғрисида фикр юритилиб, «Партия ўз фаолиятида юқори малакали тиббиёт ходимлари ёрдамига таянади ва бир қатор мутахассислар қаторида тиббиёт ходимларини асосий электорати деб билади”, — дея эътироф этилди.

Семинар якунида репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш борасида ҳудудда учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимида Хоразм вилояти партия Кенгашининг иштирокини кучайтириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Партиядошимиз ташаббуси

**Ўзбекистон “Адолат” СДП**
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Республикамизда болалар спортини ривожлантириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланган.

Бу борада қабул қилинаётган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида қурилиб фойдаланишга топширилаётган спорт иншоотлари, уларда ёшларнинг спорт турлари бўйича шуғулланиш учун яратилаётган шароитлар натижасида бугун халқаро майдонларда спортчиларимиз Ватанимиз байроғини янада баланд кўтармоқдалар.

Оммавий спортни тарғиб этиш, келажагимиз эгаларининг спорт билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолларининг ҳам хайрли тадбирларни амалга ошираётгани диққатга сазовор. Партиянинг Хўжаобод тумани кенгаши аъзоси Р.Раҳимов ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг камолотига алоҳида эътибор билан қарайди. Ҳозирги кунда 300 нафардан ортиқ ёшларни иш билан таъминлаган тадбиркор яна бир хайрли ишга қўл урди. Хўжаобод шаҳар марказида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун мини футбол майдончаси ҳамда сузиш ҳавзаси қуришга киришди.

Айни кунларда спорт мажмуасининг қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

— Жорий йил охиригача қурилиш ишларини якунлаш ниятидамиз, — дейди хўжаободлик партия фаоли, тадбиркор Р.Раҳимов. — Мини футбол майдончаси ва сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилгач, бу жой туманимиз ёшларининг энг севимли масканига айланади. Спорт мажмуасини қуришдан мақсадимиз ўсиб келаётган ёшларимиз орасидан машҳур спортчилар етишиб чиқишига кўмаклашиш, қолаверса, бу марказ фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб улғайишларига хизмат қилади.

Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга танита олмайди. Шу маънода партиядошимизнинг бу ибратли ташаббуси ҳам баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.



HAMKORBANK ОАТБ жамоаси

Юртимиздаги барча устоз ва мураббийларни касб байрами билан табриклайди.

Сизларни мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, шогирдлар камолидан баҳра олиб яшаш бахти ҳеч қачон тарк этмасин.





Байрамингиз муборак бўлсин!

Вазиятга назар

# Инновацион лойиҳалар — ҳаётга

«Истеъдод» клуби инновацион бойликдан унумли фойдаланиш орқали вилоятимиз иқтисодиётини янада юксалтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мумкинлигини партия аъзолари, электоратимиз ва фуқаролар онгига сингдиришдек ташвиқот-тарғибот ишларини юритишда амалий ишларга қўл урмоқда

**Комилжон ШОДИМЕТОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти Кенгаши раиси.

Ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бозор субъектларининг инновацион фаолияти механизмини яратиш бугун мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки айнан инновациялargina маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, таннархини арзонлаштириш, инвестициялар оқимини кўпайтириш ва янгидан-янги имкониятларни вужудга келтиришга шароит яратади.

Шунинг учун ҳам бугун иқтисодиётнинг барча тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш юзасидан кенг кўламли фундаментал тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб борилаётгани бежиз эмас. Бироқ унинг самарадорлигини янада ошириш, биринчи навбатда, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос ёндашувни тақозо этишини унутмаслик керак.

Бу эса энг аввало, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлигини талаб этади. Айнан ана шу қонун интелектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритиш ва унинг қўлланилишини кенгайтиришга, яъни мамлакат иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида давлат бюджети ва маблағлари ёки жалб этилган маблағлар ҳисобига яратилаётган интеллектуал фаолият натижалари ҳамда уларга тенглаштирилган объектларни барпо этиш, улардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ муносабатлар мажмуини ўзида мужассамлаштириши мумкин. Мазкур қонунда бундай ноёб товар туридан самарали фойдаланишини таъминланишига қаратилган инновацион тизим субъектлари илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари, инновацион марказлар, ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги заиф боғлиқликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизм ўз ифодаси топиши назарда тутилган. Бу эса мамлакат сиёсий майдонида фаолият юритаётган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси зиммасига жуда катта вазифа юклайди. Чунки айнан бизнинг партия Ўзбекистонимизда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш, мамлакатнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ташаббуси билан чиқмоқда.

Албатта, мамлакатимизда истиқлол йилларида илмий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, интеллектуал мулк, жумладан, саноат мулки объектлари бозорини яратиш ва ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар технологияларини ишлаб чиқаришни татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари бу жараёнда дастуриламал вазифасини ўтади.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар туфайли ҳам 2008 йилдан эътиборан Ўзбекистонда инновацион ғоялар ва лойиҳалар ярмаркалари ўтказилиб, уларда иқтисодиётнинг реал секторига амалий илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларни жорий этиш бўйича талай шартнома ва аҳдлашув протоколлари имзоланмоқда.

Жумладан, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси йиғилишида берган ахборотига кўра, Давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш учун бюджетдан ажратилган маблағ ҳажми 73,7 миллиард сўмни ташкил этган. Ушбу маблағнинг 19,2 миллиард сўми фундаментал тадқиқотларга, 45,9 миллиард сўми амалий тадқиқотларга ва 6,2 миллиард сўми инновация илмий-техника дастурларини молиялаштиришга сафарбар этилган.



Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ана шу инновацион фаолиятни бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш ғояси илгари сурилмоқдаки, бу нафақат соҳа мутасаддилари, балки жамиятни янгилаш ва модернизация қилишдан манфаатдор бўлган барча юртдошларимиз, сиёсий партиялар вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ҳам соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда «Истеъдод» ёшлар клубини шакллантириб, унинг фаолият юритиш тартибини ишлаб чиқди.

2010 йилнинг февралида Ангрен шаҳрида партия фаоллари иштирокида ташкил этилган «Истеъдод» клуби фаолиятини оммалаштириш учун Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида вилоят Халқ таълими ва касб-ҳунар таълими бошқармалари, вилоят ҳудудидаги олий ўқув юртлари, вилоятдаги илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Клуб мақсадидан келиб чиқиб, ёшларнинг фаол ҳаётий позицияларини шакллантириш, ижодий фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар ва дастурларни ташкилий, маслаҳат, илмий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантириш мақсадида қатор грант лойиҳаларини тайёрлаш ва тақдим этишга бош-қош бўлди.

Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлар ҳудудидаги ёш мутахассислар, ўқувчилар, ёшлар ижодий жамоалари, корхоналар ва ташкилотлар ишланмаларини кенг намойиш қилувчи кўрик-танлов ташкил этди. Жумладан, «Ёш инноватор — ислоҳотларга кўмакдош» кўрик-танлови бунинг ёрқин исботидир. Клуб ташаббуси билан амалга оширилган танловга, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши, вилоят Халқ таълими бошқармаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, Касаба уюшмалари Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бошқаруви, «Соғлом авлод учун» нодавлат жамғармаси, «Қизил ярим ой» жамияти вилоят бўлими, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят бирлашмаси, «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими, Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институтнинг минтақавий бўлинмаси билан ҳамкорлик доирасида таъсисчилик қилди.

Вилоятнинг қишлоқ, шаҳар, маҳалла ва корхоналардаги энг истеъдодли, иқтидорли болалар, ўсмирлар, ўқувчилар ва талабаларни излаб топишга киришилиб, унинг асосида ахборот базаси яратилди. Ёшларнинг қобилиятларини намоён этиши, ҳуқуқий ва сиёсий онгини ошириш, уларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Жумладан, «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» таҳдидлари ва таъсирларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш», «Чиқиндидан биометан гази, биоўғит олиш ва аҳолини таъминлаш» ҳамда «Қишлоқ ёшларни агробизнес ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи соҳаларга жалб қилиш марказини ташкил этиш» каби мавзуларидаги 3 та инновацион лойиҳаларга грант олиш учун ҳужжатлар «Истеъдод» клубининг тавсияси ва кўмагида тақдим этилди.

Таъкидлаш керакки, клуб аъзоси, Ўртачирчиқ тумани «Кучлик» маҳалласида яшовчи тадбиркор Мурод Минглиев ва унинг ёш ҳамкори Исроил Холиқов тақдим этган «Чиқиндидан метан гази, биоўғит олиш ва аҳолини таъминлаш» бўйича инновацион лойиҳа «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» грантини олиш учун тақдим этилди ҳамда лойиҳа ғолибликни қўлга киритди.

Шунингдек, ижодий илмий-техник ва инновацион фаолиятнинг янги шаклларини ривожлантириш, янги технологиялар ва ускуналардан фойдаланиш асосида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида; «CAPS FURNITURE» мебель фурнитурасини ишлаб чиқарувчи маъсулияти чекланган корхонага Хитой ва Жанубий Кореядан модернизация доирасида ускуналар келтириш ва уни ишга туширишда ҳам «Истеъдод» клубининг муносиб ҳиссаси бор.



Ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштириш масаласи ҳам доимий диққат марказимизда. Жумладан, Қибрай туманида хотин-қизларнинг касаначилик орқали яратаётган ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Унинг доирасида ёшларнинг ишга жойлашишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилиб, уларга амалий кўмак берилди. Партиянинг вилоят ҳамда Оққўрғон тумани кенгашлари ва туман ҳокимлиги, прокуратура ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман маркази билан ҳамкорликда ёш йигит-қизлар учун ташкил этилган, 35 та корхона, ташкилот, муассаса 680 та бўш иш ўринларини таклиф этган ярмаркада 450 нафар ёшлар қатнашиб, уларнинг 191 нафари ишга жойлашишга йўлланма олдилар.

Энг муҳими, клуб фаолиятининг кенгайиб бориши натижасида «Адолат» СДП сафлари ҳам кенгайиб бораяпти. Хусусан, инноватор тадбиркор М.Минглиевнинг саъй-ҳаракати билан Ўртачирчиқ туманида юздан ортиқ киши партия аъзолигига қабул қилинди. Давлат Дастурларининг ижроси ҳам бизнинг эътиборимиздан четда эмас. Хусусан, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида илғор фикрлар, инновацион лойиҳалар «Истеъдод» клубида жамланиб, энг яхши бизнес ғоялар «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан эълон қилинган кўрик-танловга тақдим этилди.

Партиянинг вилоят Кенгаши ҳузуридаги «Истеъдод» клуби шу кунларда яна бир янги — «Сидиқов Темир» хусусий тадбиркорлик корхонасининг биогаз ва биоўғит ҳамда «Калифорния чувалчанги» кўпайтиришни йўлга қўйиш лойиҳасига ёрдам бермоқда. Шу билан бирга, вилоят партия Кенгаши ташвиқоти ва амалий кўмаги билан биогаз қурилмаси мутахассислар иштирокида республиканинг бошқа вилоятлари ҳамда вилоятимизнинг Оққўрғон туманида биогаз билан иситиладиган иссиқхона қурилишига ёрдам бермоқда.

Вилоят партия ташкилотининг кичик бизнес ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, энг яхши ғояларни излаш ва амалга ошириши ташаббуси Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан эътиборга сазовор деб топилиб, муносиб рағбатлантирилди. Жумладан, биогаз қурилмасини маҳаллий шароитда ўрганиб, ишга тушириш лойиҳаси Сиёсий Кенгаш эълон қилган кўрик-танловининг III даражали Дипломи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, муқобил энергиядан фойдаланиш ғоясини тадбиркорларга ва партия фаолларига қўлланма сифатида етказиш мақсадида «Муқобил энергия — ҳаётга» рисоласи нашрга тайёрланди.

Бир сўз билан айтганда, «Истеъдод» клуби «Адолат» СДП вилоят, туман ва шаҳарлар Кенгашлари билан ҳамкорликда интелектуал бойлик тобора ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бораётган ҳозирги кунда инновацион бойликдан унумли фойдаланиш орқали вилоятимиз иқтисодиётини янада юксалтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мумкинлигини партия аъзолари, электоратимиз ва фуқаролар онгига сингдиришдек ташвиқот-тарғибот ишларини юритишда амалий ишларга қўл урмоқда.

Маълумки, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, селекция ютуқлари ва албатта, ахборот технологиялари объектлари интелектуал мулкнинг таркибий қисми саналади. Уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар айни пайтда бир қатор халқаро шартнома ва битимлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Интеллектуал мулк» деб номланган бўлими ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинмоқда. Аммо бу етарли эмас.

Шубҳасиз, мамлакатнинг илмий-техникавий ривожланиши миллий иқтисодиётнинг тараққиёт ва рақобатбардошлик даражасини белгиловчи муҳим омилга айланди. Бу эса соҳани модернизациялаш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи қонуний ҳужжатлар мазмун-моҳиятини янада бойитишни, айниқса, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни қатъий амалга ошириш жараёнида бизнинг партиямиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

# Раис яна алмашди...

хўш, кўрилган бу чора партиянинг Олот тумани кенгаши фаолиятида ўзгариш ясайдими?

**Ўз-ўзини танқид**

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Бугун жамиятимиз ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, демократик янгиланишларни сиёсий партияларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Негаки, улар омма онги ва тафаккурига ғоявий таъсир кўрсатадиган қудратли, даъваткор кучдир. Айниқса, ислоҳотларнинг янги босқичи сиёсий партиялар зиммасига янгидан-янги вазифалар юкламоқда. «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши ана шундай масъулиятдан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтириш, аҳоли қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, электоратни қизиқтираётган масалалар ечимини излашга ҳаракат қилаётир. Бунда тарғибот-ташвиқот ишларининг юқори самарадорлигига эришиш асосий вазифалардан биридир.

Аслида партия сиёсатини ўз мақсади, вазифаси деб билган кишилар учун ислоҳотлар жараёнига-ю, ижтимоий муаммоларга нисбатан сезгирлик, ҳозиржавоблик, вазиятга мос тадбир топа билишлик бирламчи фазилат саналади.

Таъкидлаш жоизки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ўтган 8 ойи партиянинг Бухоро вилояти Кенгаши учун алоҳида ўзгаришлар даври бўлди. Жорий йилда кадрлар сиёсатига алоҳида эътибор берилиши, уларни жой-жойига қўйилиши натижасида партиянинг вилоят ва туман кенгашлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Партия ва унинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ўзгаришларга оид кўплаб ибратли тадбирлар ўтказилди, амалий ишлар жонланди. Кучли сиёсий рақобатга қарамай, «Адолат» СДПнинг аъзолари сон ва сифат жиҳатдан ўсди, аъзолик бадаллари йиғишдаги камчиликлар бартараф этилди.

Аммо «гуруч курмаксиз бўлмаганидек», ўз фаолияти мобайнида жиддий камчиликларга йўл қўйган партия ташкилотлари ҳам топилади. Хусусан, «Адолат» СДПнинг Олот тумани кенгаши фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, бунга амин бўламиз. Эътироф этиш керакки, кадрлар қўнимсизлиги, яъни туман кенгаши раҳбарларининг тез-тез алмашиб туриши камчиликларнинг бош омилига айланган эди.

2009 йилда Халқ депутатлари Олот тумани кенгаши депутатлигига сайланган «Олотнефтгаз» экспедицияси раҳбари Бахтиёр Мавлоновга 2010 йилнинг март ойидан туман кенгаши раиси вазифаси топширилди. Ундан илгари бир неча йиллар мазкур лавозимда ишлаган Олим Шароповнинг ишлари бутқул қониқарсиз аҳволда эди. Бухоро тиббиёт институти ўқитувчиси бўлгани ва Бухоро шаҳрида (Олот туманида эмас!) истиқомат қилгани учунми, эътиборсизлик туфайли партиянинг туман кенгаши фаолияти орқага кетди. Ҳеч қандай хужжатлар юритилмагани, кадрлар захираси яратилмагани, БПТларнинг номигагина мавжудлиги, электорат муаммоларининг эътибордан четда қолдирилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Б.Мавлонов раислиги даврида эса тумандаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарида бошланғич ташкилотлар тузилди, ҳужжатлардаги камчиликлар бартараф этилди. Аҳолини ташвишга солган ичимлик суви ва бандлик муаммолари ўрганилди. Жонкуяр раис ўзи ишлайдиган корхонада 20 нафарга яқин ёшларни доимий иш билан таъминлади. Аъзолар сонини ошириш ва «Адолат» СДПдан Халқ депутатлари туман кенгашига сайланган депутатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда дастлабки қадамлар қўйилди. Аммо 2011 йилнинг бошларида Б.Мавлонов хизмат тақозосига кўра, бошқа ишга ўтказилди-ю, кенгаш раиси яна алмаштириладиган бўлди.

2011 йилнинг май ойида номзоди тавсия этилган тадбиркор Баҳодир Шарипов Олот тумани кенгаши раиси сифатида ариза ёзди-да, ғойиб бўлди. Уни на телефони ва на берган манзили орқали топишнинг иложи бўлди...

Жорий йилнинг июлида бўлиб ўтган партиянинг навбатдан ташқари пленумида «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши таркиби тубдан ўзгарди. Муносиб ва сиёсий етук кадрларнинг жонбозлиги туфайли барча туман кенгашлари фаолиятида ижобий силжиш кузатилди. Энг муҳими, кўрилган чоралар, ўтказилган машғулотлар ва тарқатилган услубий қўлланмалар эвазига тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилмаган, БПТлари фаолияти суст саналган Қоракўл, Қоровулбозор, Когон, Бухоро, Ғиждувон туманлари фаолиятида кескин бурилиш ясалди.

Таъкидлаш жоизки, партиянинг Олот тумани кенгаши ҳам ўз раисига эга бўлди. Туман ҳокимлигининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошлиғи Хайриддин Раҳматов ушбу масъул лавозимга лойиқ деб топилди.

— Олот тумани партия кенгашининг янги раҳбаридан умидимиз катта, — дейди «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши раис ўринбосари Дилбар Ҳамдамова. — Биз бу номзодни тайинлашдан олдин яхшилаб ўргандик. Туманда лоқайдлик туфайли юз берган салбий ҳолатдан тўғри хулоса чиқариб, кейинги иш фаолиятимизда бундай аҳвол такрорланмаслигига ҳаракат қиламиз. Биз партиянинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш, муқобил энергетика бозорини ривожлантириш каби сайловолди дастуридан ўрин олган вазифаларнинг Олот туманида кенг жамоатчилик орасида самарали тарғиб қилинишига ишонамиз.

Хайриддин Раҳматовнинг ўзи ҳам биз билан суҳбатда нафақат партия фаоллари, балки Халқ депутатлари Олот тумани кенгашидаги «партия» депутатлари билан ҳамкорликда электорат манфаатларини чуқурроқ ўрганиш, тумандаги мавжуд муаммоларни ечишга кўмаклашиш, ёш кадрларни ишга жойлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, туман ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар назоратида фаол иштирок этиш ниятида эканлигини яширмади.

# Орзуларингизга тилакдошмиз, боёвутликлар!

Ислоҳот

Давур ЖОЗИЛОВ,
Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбирлари.

Боёвутликларни «деҳқончилик ҳадисини олган миришкорлар» дея тан олмаган киши бўлмаса керак. Мирзачўлда кенг оммалашган пахтанинг «АН-Боёвут», ғалласи ўрилган майдонларда иккинчи экин ўрнида етиштирилаётган шолининг эрта пишар навлари ҳам илк бор Боёвутда синовдан ўтган. Қиш ойларида дастурхонларга тортиқ қилинаётган кўклам неъмати — исмалоқ ҳам боёвутлик тадбиркорлар иссиқхоналарида етиштирилмоқда...

Туманнинг йил сайин пахта ва ғалла сотиш шартнома режаларини ошириб бажариб, ҳосилдорлик бўйича республикамизда олдинги ўринларда бораётганлиги — ҳудудда деҳқончилик бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратилганидан дарак. Масалан, деҳқончилик учун бирмунча ноқулай келган ёз чилласи жазирамаси ҳосилдорликка жиддий таъсир кўрсатган ўтган 2010 йилда ҳам Боёвут тумани миришкорлари давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома режаларини ошириб адо этишди. Айниқса, тумандаги «Аҳмадий», «Зафар-2», «Ғайратбек», «Мулла Ҳолиқул бобо» каби ўнлаб фермер хўжаликларида ҳар гектар майдондан 60-70 центнерга дон, 40-45 центнергача пахта ҳосили олинганлиги нуфузли йиғилишларда қайта-қайта тилга тушганлиги ҳам ҳар бир боёвутлик қалбида фахр ва ғурур уйғотди.

Боёвутликларнинг халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги саъй-ҳаракатлари ҳам чакки эмас. Биргина жорий йилнинг олти ойлик якунларига, бошқача айтганда, туманда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига кўз ташланг: ялпи ҳудудий маҳсулот 89075,0 миллион сўмлик ўрнига 149290,6 миллион сўмликни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ҳажми 27013,1 миллион сўмга тўғри келди. Шундан кичик бизнес субъектлари улуши 4937,3 миллион сўм бўлади. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот белгиланган 816,2 минг сўмдан 1361,8 минг сўмга кўтарилди. Чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқариш топшириғи 103 фоиздан ошириб адо этилди. Одамларнинг ўртача иш ҳақи 345429,2 сўмдан 397243,6 сўмга етди.

Туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурининг мақсадли кўрсаткичлари кўнгилга янада ёруғлик солади. Жумладан, савдо, транспорт, алоқа ва ахборот, молия ва банк, коммунал, маиший ҳамда автомобилларни таъмирлаш хизматлари 129,3 фоиз бажарилди. Йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 2698 та янги иш ўринлари яратилди. Бу ҳам ўз навбатида топшириқ 103,7 фоиз бажарилди, деганидир. Зеро, туманда фермер хўжаликларини ривожлантириш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни йўлга қўйиш натижасида мазкур тармоқларнинг ўзидаёқ 692 та муқим иш жойлари вужудга келди.

— Туманимизда, — деб ҳикоя қилади туман ҳокими Дониёр Ботиров, — саноат, халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли тарзда юқорилаб бормоқда. Яқинда «Наврўз» сув истеъмолчилари уюшмасида йилига 14 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган «Боёвут-Бунёдкор» хусусий корхонаси ишга туширилди. 30 нафар киши меҳнат қилаётган мазкур корхона маҳсулоти янги уй-жойлар қурилишида асқотмоқда. Хомашёси ҳам ўзимиздан: корхонага яқин бўлган Султон ҳовуз массивидан соз тупроқ олинмоқда. «Боёвут-Принт» масъулияти чекланган жамиятида кунига 1800 тагача буханка нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма (бозор инфратузилмаси)ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада ҳам йил давомида 512 та янги иш ўринлари яратишни режалаштирган эдик.



Мўлжалимиз ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб бўлинди, лекин саъй-ҳаракатларимизни давом эттириб, яна 150 та иш ўринлари очишни ният қилганмиз.

Яна бир жиҳат ҳақида албатта айтишим лозим: туманимизда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар юқорилаб бориши билан бирга, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш масалаларига ҳам устувор вазифалар тарзида эътибор бераяпмиз. Аҳоли томорқаларида асосий ва такрорий майдонларга сабзавот, картошка, полиз ва озуқа экинлари жойлаштириш ҳамда етиштириш юзасидан ишлаб чиқилган Дастур режалари бекаму кўст бажарилмоқда. 32 минг тонналик дон хирмонини уйиш режасини июнь ойидаёқ уддалаб, унинг салмоғини 56 минг тоннага етказдик. Шу кунларда минг гектардан ортиқ пахта пайкалларимизда йиғим-терим айни авжи палласида. Насиб этса, боёвутликлар ҳар йилгидек бу йил ҳам гектар бошига 40-45 центнерлик маррани албатта эгаллайдилар...

Дарвоқе, ҳоким айтганидек, Боёвутда шу кунларда пахта йиғим-терими айни авжи палласида. Қолаверса, сабзавот майдонларида, картошка ва полиз пайкалларида, озуқабоп экинлар учун ажратилган ерларда ҳам мўл-кўл ҳосил олиш иштиёқида меҳнат қилаётган туман аҳлининг ғайрат-шижоатлари ҳар қачонгидан ўзгача. Барча соҳада пешқадам бўлишни орзу қилган туман меҳнаткашларининг ишлари доим бароридан келишга тилакдошмиз.

# Назорат — сифатга кафолат

## ёхуд Наманган ва Андижон вилоятлари Давлат архитектура-қурилиш назорати (ДАҚН) инспекциялари олиб бораётган намунали ишлар ҳақида

Реклама ўрнида

Д.ЖОЗИЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Ҳар иккала Инспекция жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан белгиланган вазифаларга ва тасдиқланган қатъий чора-тадбирларга кўра вилоятлардаги қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари сифати устидан намунали назорат ишлари олиб бормоқда.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом» талаблари асосида вилоятлар йилнинг биринчи ярим йиллигида 759 та (тегишли равишда — Наманган вилоятида 236 та Андижон вилоятида 523 та) қурилиш объектлари рўйхатдан ўтказилиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар берилди. Айни кезда объектларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари сифатини назорат қилиб бориш бўйича буюртмачилар билан инспекциялар ўртасида ўзаро шартномалар тузилди.

Инспекциялар мутахассислари томонидан қурилиш объектларида ва аҳоли яшаш пунктларида бош режаларга амал қилиш бўйича ўтказилган текширишлар асносида қурилиш ташкилотлари ва буюртмачиларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан «кўрсатма»лар берилди.

Масалан, биргина Наманган вилоятида Ўзбекистон Республикасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонуни асосида қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда лойиҳа ечимлари бузилган 36 та ҳолат бўйича қурилиш ташкилотларига 48143,49 минг сўм жарима санкциялари қўлланилди. Шунингдек, вилоятдаги қурилиш объектларида бажарилган 390910,65 минг сўмлик сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари қиймати бўйича «нуқсонлар далолатнома»си тузилиб, маблағлар буюртмачиларга қайтарилди. Айни шундай ҳоллар бўйича Андижон вилоятида ҳам юридик шахс мақомига эга қурилиш муассасаларига 39 миллион 394 минг 165 сўмлик жарима қўлланилиб, пудратчи ташкилотларга ўрнатилган тартибда 111 миллион 840 минг 913 сўмлик молиявий санкция белгиланди. Ҳудди шундай текширишлар вилоятлар марказлари — Наманган ва Андижон шаҳарлари қурилиш объектларида ҳам олиб борилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Вилоятлар ДАҚН инспекциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида ҳам ибратли фаолият кўрсатишди. Жумладан, белгиланган қурилиш объектларида аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда лойиҳа ечимларини бузган ташкилотларга нисбатан жарима санкциялари қўллаш, сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан «нуқсонлар далолатнома»сини расмийлаштириш ва сарфланган маблағни буюртмачиларнинг ҳисоб рақамига қайтариш тартиблари қатъий олиб борилди.

Вилоятлардаги аҳоли яшаш манзилгоҳларида бош режага амал қилиниши бўйича вилоят архитектура Бош бошқармаси билан келишиб тасдиқланган режа тўла амалга оширилди. Бу борада Андижон вилоятида 100 дан зиёд қурилиш-монтаж ташкилотлари билан қурилиш материаллари ва конструкцияларини синовдан ўтказиш лабораториялари ҳамкорлигида 75450,0 минг сўмлик шартномалар тузилди.

Ҳар икки вилоятда ҳам ДАҚН инспекциялари томонидан «Шаҳарсозлик» кодексининг 20-моддаси талабига мувофиқ жойларда маҳаллий ҳокимликларга тегишли тартибда чоралар кўриш учун хатлар юборилиб, Республика Бош прокуратураси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган «Лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж соҳасидаги қонунбузилишлар юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш ва прокуратура органларига юбориш тўғрисидаги Тартиб»га асосан аниқланган қатор ҳолатлар юзасидан материаллар прокуратура органларига тегишли чоралар кўриш учун юборилди. Чунончи, Наманган вилояти бўйича умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари сифати бўйича 9 та йўл қурилиши объектларида 33 та текширувлар ўтказилиб, нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

— Буларгина эмас, — дейди Андижон ДАҚН инспекцияси бошлиғи З.Бурхонов, — биз буюртмачилар талаби билан реконструкция қилинаётган бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини ҳам назорат этиб бораяпмиз. Масалан, шу йил фақат май ойининг ўзида буюртмачилар талаби билан 92 та объектда 30 895383 сўмлик техник кузатувлар бажарилди. Айниқса, эътиборимизни касб-ҳунар коллежлари иншоотлари қурилиши ва реконструкцияси ҳамда таъмири сифатига қаратаяпмиз. Мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари, уй-жой массивлари, ирригация ва мелиорация ҳамда гидро иншоотлар, соғлиқни сақлаш тизими объектларида ҳам шундай назорат тартиби ўрнатганмиз... Жойларда йўл қўйилаётган соҳа камчиликларининг олдини олиш, бартараф этиш борасидаги текширишларимиз яхши самаралар бермоқда...

Наманган вилоят ДАҚН инспекцияси бошлиғи Х.Иброҳимов билан бўлган суҳбатимизда ҳам вилоятда республика «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан белгиланган вазифалар ижроси бекаму кўст бажарилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Бир сўз билан айтганда, бир-бирига ёндош, бир-бири билан қўшни Наманган ва Андижон вилоятларида барча қурилаётган, таъмирланаётган ва реконструкция қилинаётган объектларда ДАҚН инспекциялари олиб бораётган ишлар кўлами, сифати ҳамда талаби ижроси намунали ташкил этилган. Зеро, намунали назорат — сифатга кафолат эканлиги халқ хўжалигининг ҳамма жабҳасида ўз исботини топмоқда.



Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ тушунчанинг илдизлари кишилик жамияти шакллана бошлаган даврларга бориб тақалади. Зеро, худди ўша пайтдан бошлаб, инсон ўзининг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини идрок эта бошлаган, уларни амалда рўёбга чиқаришга киришган.

Асрлар давомида кечган тарихий-эволюцион жараёнлар натижасида, эндиликда давлатларнинг инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва амалда таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи принцип, қоида ва нормалар халқаро ҳуқуқнинг алоҳида соҳасига айланди.

# Инсон ҳуқуқлари: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик

Ҳуқуқ

Наргиза ТУРСУНОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ замонавий юриспруденциянинг қоқ марказида турган ва жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳалардан биридир. Инсон ҳуқуқлари бугун умуман халқаро ҳуқуқ ривожининг мезонига айланмоқда. Бу — мутлақо табиий ҳол. Зеро, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоялаш, кафолатлаш ва рўёбга чиқариш бугунги умумбашарий фундаментал мақсадлар — демократик тараққиёт, барқарор ривожланиш, глобал хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим кафолатларидир.

Охирги пайтларда жуда кўп гапирилаётган инсон ҳуқуқлари тушунчасининг ўзи нимани ифодалайди, деган мантиқий савол ҳам туғилади. Албатта, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ тушунча — бениҳоя серқирра ҳодиса. Шунинг учун ҳам дунё бўйлаб унга бағишланган юзлаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, инсон ҳуқуқлари тушунчасининг асосий моҳиятини ифодалайдиган оммабоп қисқа таърифини ҳам бериш мумкин. Ушбу мазмунда, инсон ҳуқуқлари — бу шахс билан давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган кўп асрлик, балки минг йилликлардан буён давом этиб келаётган интилишларнинг маҳсули — натижасидир. Ушбу ҳосила бугун «инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар» деган умумлаштирма тушунча орқали ифода этилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар шахснинг давлат ва жамият билан муносабатларида кафолатланадиган ҳуқуқларидан бири бўлиши билан бир қаторда, унинг давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларини ҳам назарда тутади. Бундан инсон ҳуқуқлари тушунчасини суиистеъмол қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги мантиқий хулоса келиб чиқади. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқларига бағишланган энг муҳим халқаро ҳужжатлардан бири Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасида «Ҳар бир инсон жамият олдида масъулдир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин», деб белгилаб қўйилган.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари бўйича умумэътироф этилган халқаро андазаларни ўзида мужассамлаштирган умумбашарий аҳамиятга молик ҳужжатлар ҳам мавжуд. Улар асосан, декларация, конвенция, пакт ва шартномалар деб номланади. Бундай ҳужжатларнинг энг асосийлари қаторига, юқорида қайд этилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси билан биргаликда, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Миллати, элати, дини ёки тили нуқтаи-назаридан кам сонли бўлган гуруҳга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Бағрикенглик тамойиллари декларацияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари ва бошқалар киради. Ҳуқуқшуносларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартларини ўзида мужассамлаштирган халқаро ҳужжатларнинг умумий сони бугун 80 тадан ошади. Эътиборлиси шундаки, истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига доир 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТнинг мазкур соҳадаги олтита асосий халқаро шартномаси қатнашчисига айланди.

Мамлакатимиз учун улкан ютуқ бўлган ушбу ҳатти-ҳаракатларнинг сабабларидан иккитасини алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Уларнинг биринчиси Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти эканлиги билан боғлиқ бўлиб, шу орқали мамлакатимиз халқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини эътироф этиш, кафолатлаш ва амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Иккинчидан эса, халқимизнинг миллий яшаш тарзи, тарихий хотира ва бой тажрибага эга миллий қадриятларимиздан, шунингдек, ўзига хос миллий тафаккур тарзимиздан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида фуқароларимиз онгида, жамиятдаги ўзаро муносабатларда муносиб ўрнини топиб бормоқда.

Бу борада, айниқса, инсонпарварлик тушунчасининг халқимиз қонига сингиб кетган эзгу фазилат сифатида мустақиллик йилларида ўзига хос мазмун-моҳият касб этаётганлиги бунинг исботидир. Инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини авайлаш, унга зинҳор-базинҳор зиён етказмаслик асрлар давомида юртимизда миллий тарбиянинг марказида турган қатъий талаблардан бири бўлиб келаётгани учун ҳам замонавий маънодаги инсон ҳуқуқлари биз учун бениҳоя азиз ва қадрли тушунчадир. Демак, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро ҳужжатларга қўшилишидан келиб чиқадиган мажбуриятларни тўлиқ амалга ошириш учун лозим бўлган мустаҳкам маънавий-ҳуқуқий асос юртимизда тўла шаклланган ва такомиллашиб бормоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ соҳаси конституциявий ҳуқуқнинг энг илғор ютуқларини ўзида мужассамлаштириб бораётгани учун ҳам унинг аҳамияти кундан-кунга ошмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалар эса, ўз навбатида, конституциявий ҳуқуқнинг ривожланишига тобора кўпроқ демократлаштирувчи таъсир ўтказмоқда. Бу тамойил Ўзбекистон қонунчилиги ривожида ҳам ўзининг ёркин ифодасини топиб келмоқда.




# "Ўзтадбиркорэкспорт" компанияси:

## кичик бизнес субъектларининг ташқи бозорга чиқиш имкониятлари

Иқтисодиёт

**Рустам АБДУҲАМИДОВ,**
"Markazsanoateksport" давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси бошқаруви раиси.

Бугунги кунда республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини янада эркинлаштириш ва иқтисодиётдаги ўрнини кенгайтириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳамда ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этишда ҳиссаси тобора ошиб бораяпти.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг таянчига айланган мазкур соҳа тараққиётини юксак поғонага кўтаришда янги босқич бўлди.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида "Биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак. Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур", — деб таъкидлаб ўтганди.

Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг август ойида қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ташқи савдода иштирок этиш имкониятларини янада кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратди.

Мазкур ҳужжатларда ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш билан бир қаторда кичик бизнес маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ушбу фармонида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича "Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясини ташкил этиш назарда тутилган. Ушбу компания жорий йилнинг охиригача республиканинг барча ҳудудларида ўз ваколатхоналарини очади.

"Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига уларнинг товарларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш шартномалари бўйича, шунингдек, хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали сотишда бевосита кўмаклашади.

Тадбиркорларда бугунгача техник ва технологик ускуналар, бутловчи қисмлар ва хомашё харид қилишда етарли малака ва тажриба етишмаслиги, ахборотларни олишда чекланиб қолиш ҳолатлари мавжуд эди. Эндиликда ушбу муаммоларни ҳал этишда ташкил этилаётган "Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлари бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар бўйича маркетинг ишларини ҳамда улар бўйича тегишли маълумотларни етказиб бериши борасида бевосита фаолият олиб боради.

Тадбиркорлар билан ўтказилган суҳбатлар ва савол-жавоблар шуни кўрсатдики, кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларида маҳсулот сифатини тасдиқловчи сертификатларни, айниқса, халқаро сертификатларни олишда айрим ҳолларда қийналмоқда. Ушбу қарорга кўра эндиликда экспорт маҳсулотларини сертификатлаштиришда кичик бизнес корхоналарига кўмаклашиш, реклама тадбирларини ўтказиш, халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларни ташкил этиш ва қатнашиш, манфаатдор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлаш вазифалари ҳам ушбу компаниянинг асосий вазифалари ҳисобланади.



Шунингдек, ушбу қарорда экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун давлат божхона хизмати расмийлаштируви жараёнини такомиллаштириш, 2011 йил 1 октябрдан бошлаб, тажриба тариқасида, экспортга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тартиботларни божхона расмийлаштируви, декларация қилиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати ва товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида қатнашадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайдиган "бир дарча" тамойили асосида бажариш механизмини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғинларини камайтириш каби имтиёзлар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорлик субъектларига яратилаётган ушбу қулайликлар ва имтиёзлар улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини оширишда катта имкониятлар эшигини очади. Шу аснода нафақат четга маҳсулот сотиш, балки четдан энг замонавий ускуна ва технологияларни олиб келиш, илғор бошқарув тизимини жорий этиш ва, энг асосийси, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга эришилади.

Бугунги кунда турмуш тарзимизни замонавий тўлов тури ҳисобланган пластик карточкаларсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Тўлов турининг бундай замонавий усули нафақат мамлакатимиз шаҳарларида, балки узоқ тоғли ҳудудларимизда истиқомат қилаётган аҳоли учун бир қатор қулайликлар туғдирмоқда. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ.

# Замонавий тўлов тури

Солиқ

**К.МАҚСУДХОДЖАЕВ,**
Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи.



Айниқса, мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши соҳадаги ишларни нафақат оммавийлаштириш, балки янада такомиллаштириш имкониятини берди.

Шунинг учун ҳам айни пайтда товар ва хизматлар бозорининг асосий қисми терминаллар билан тўлиқ жиҳозланди. Бу эса ўз навбатида банкдан ташқари нақд пул айланишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бироқ шунга қарамай айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли терминалларни атайдан ишлатмаслик ҳолатлари учрамоқдаки, бу ўз навбатида истеъмолчиларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда. Айнан шу масала бўйича ўтган саккиз ой мобайнида инспекциямизга 18 та ариза келиб тушди. Ўтказилган ўрганиш ва текширувлар жараёнида 5 та ҳолатда терминалларни тўғри ишлата олмаслик, 6 та ҳолатда умуман терминал ўрнатмаганлиги аниқланди. Шикоятларнинг қолган қисми ўз тасдиғини топмади. Мазкур ҳолатлар бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Қайд этиш керакки, Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари терминалларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича биргина юқоридаги ишлар билан чекланиб қолганлари йўқ. Соҳага оид қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш бўйича ҳам қатор тартиб назорат тартибидаги тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бу эса истеъмолчиларнинг терминаллар ишламаслиги юзасидан турли эътирозларининг олдини олишга, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашга хизмат қилмоқда.

# «ШЎРТАННЕФТГАЗ» УНИТАР-ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



*Кўзлари меҳрга, қалблари муҳаббатга тўла устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан муборакбод этади.*

Баркамол авлод тарбияси йўлидаги машаққатли меҳнатингиз ўз самарасини бериб, шогирдлар муваффақияти қалбингизни доимо қувончга тўлдириб юрсин.





# Ҳуррият берган ардоқ

Давоми. Боши 1-бетда


*Шаҳрисабз туманидаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Абдураззоқ Бердиев машғулот пайтида.*
Ж.Норқобилов (ЎзА) олган сурат.

Қолаверса, улар тимсолида ҳукуматимиз томонидан самарали фаолиятлари муносиб тақдирланган «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Халқ таълими аълочиси», «Хизмат кўрсатган спорт устаси» сингари нуфузли унвонларга, «Фидокорона хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шуҳрати», I, II, III даражали «Соғлом авлод учун», «Дўстлик» орденларига ва яна «Шуҳрат» медали каби фахрли нишонларга сазовор бўлган нишондорларни ҳам илғаб турибмиз. Ҳатто, мамлакатимизнинг Олий Мажлиси палаталарига сайланган депутатлар ва сенаторлар сафида ҳам ўқитувчилар, мураббийлар — устозлар қанчадан-қанча... Барчасининг мақсади ҳам, маслаги ҳам, эзгу нияти-ю қувонч ва ташвиши ҳам битта: ўқувчилари онгига ўзи сочган уруғларнинг униб чиқиши, парвариш кўриши ва ҳосилини, ҳосиласини — камолини кўриш, кўз нури, қалб қўри, билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига мутлоқ бағишлаб, эл-улус узра маърифат зиёсини тараш, пировардида, Президентимизнинг «**менинг энг яқин маслакдош ва кўмакдошларим**» — дея билдирган юксак ишончини оқлашдир.

Ўқитувчилар меҳнатининг ардоғи мамлакатимиз кўксига ҳуррият шабадалари теккан кунларнинг илк дамларидан — аниқроғи, Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши билан бошланди, десак муболаға бўлмас. Бу борада амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар — ўзининг кўлами, мазмун-моҳияти билан ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш ва халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг маънавий юксалиши учун мустаҳкам замин яратди. Бир сўз билан айтганда, мазкур Қонун ва Дастур Ватанимизнинг маърифий тизими ривожида янги босқични бошлаб берди.

Уларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш жараёнида таълим сифати ва мазмунини ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув даргоҳларини бунёд этиш, мавжудларини таъмирлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер ва лаборатория техникаси билан ускуналашга алоҳида эътибор қаратилди. Айни кезда педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали механизмини яратиш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор, изланувчан, ташаббускор ва фидойи ўқитувчиларнинг иш тажрибасини тарғиб этиш ва оммалаштириш масаласи давлатимизнинг муттасил диққат марказида бўлди. Мамлакатимизнинг ҳатто энг чекка ҳудудларидаги мактаблар учун ҳам тенг ва муносиб таълим шароитини яратишга, улардаги таълим тизимини тобора такомиллаштириш ва ўқитувчиларнинг унумли, самарали меҳнат қилишига, касб малакаси ва маҳоратини оширишга, ўзаро иш тажрибасини алмашишига барча шароит ва имкониятларни муҳайё этишга беқиёс эътибор қаратилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу тизимни янада такомиллаштириш, педагогларни моддий қўллаб-қувватлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмини жорий этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтириш жараёнида ўқитувчи масъулиятини оширишда алоҳида аҳамият касб этди. Қарорга биноан меҳнатга ҳақ тўлашнинг холис ва ошкора механизми жорий этилиб, устама ва қўшимча ҳақ янада такомиллаштирилди. Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришда қўшимча имтиёзлар яратилди. Мактабларнинг мустақиллигини янада ошириш ҳамда директорлар ва педагогик жамоанинг муаллимлар меҳнатини холисона баҳолаш, рағбатлантириш билан боғлиқ ишларга қатнашиш ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Ўқитувчилар меҳнатини эъзозлаш йўлидаги бундай кенг кўламли ибратли ишлар ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим тизимларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 30 июлда қабул қилинган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир ёрқин далили бўлди. Ҳужжатга мувофиқ тизимдаги ўқитувчилар, педагог-муҳандислар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлган, ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшган, ўқувчиларнинг касб-ҳунар кўникмаси ва билимини ривожлантирган, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб борганлиги учун ойлик устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам таълимнинг барча бўғинлари ўртасидаги узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминлаш, юқори салоҳиятли педагогларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Қарорга кўра ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш, «доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган ҳиссаси, юқори натижадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизими кенг жорий этилаётир.

Дарвоқе, бугун барча соҳаларда бўлгани сингари таълим тизимида ҳам янги қарашлар, методик усуллар пайдо бўлмоқда. Улардан хабардор бўлиш ва амалда қўллаш ҳозирги кун ўқитувчисининг асосий вазифаларидан биридир. Халқ таълими вазирлигига қарашли Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини ҳаётга тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ҳамда 14 та ҳудудий педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази айни шу мақсадда фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керак, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, педагогик ходимлар малакасини оширишнинг самарали тизими яратилди. Бунда таълим муассасаси буюртмасига асосан ўқитувчиларнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос равишда унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилди. Натижада малака ошириш «Режали-мажбурий тизим»дан «Йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимга ўтказилди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги беш йилдан уч йилга қисқартирилди.

Айни кунларда юртимизда фаолият юритаётган 423 минг нафардан ортиқ ўқитувчилар учун яратилаётган шароитларни янада яхшилаш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида барча малака ошириш масканлари қошида масофадан ўқитиш таълим-ресурс марказлари ташкил этилди. Ушбу марказлар замонавий компьютерлар, махсус мебеллар ва нусха кўпайтириш техникаси билан жиҳозланди. Энг асосийси, ўқитишнинг янги, замонавий методикаси сифатида «Фанларни ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш методикаси» қабул қилинди. Масофадан ўқитиш бўйича таълим-ресурс марказлари ташкил этилишининг аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳудудлардаги 200 мингга яқин педагогларнинг, айниқса, хотин-қиз ўқитувчиларнинг ишдан ва оиладан ажралмаган ҳолда малакасини оширишга имконият яратилди.

* * *

Алқисса, ана шундай шароиту имкониятлар доирасида шаънларига олқишлар битилаётган ўқитувчи, мураббий, устоз домлаларимиз — Ўзбекистон Қаҳрамони муаллимларимиз, таъбир жоиз бўлса, ўз ҳаётларини Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш йўлида жонкуярлик қилаётган инсонлар — элим деб, юртим деб ёниб яшаётган мукаррам зотлар сирасига киргусидир.

# Йўлингиз равон бўлсин

**Ҳаракат хавфсизлиги**

**Мансуржон РИХСИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ катта инспектори, подполковник.

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш соҳасида бир қатор самарали тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Кўрилаётган чоралар эса энг аввало инсонларнинг ҳаётини асраш, ҳаракат иштирокчиларига қулайликлар яратишга қаратилган.




Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва халқимиз ҳаёти фаровонлигининг янада яхшиланиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги республикамиз автомобиль саноатининг ривожланиши, транспорт воситалари сонининг кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир.



Замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкларини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига, уларнинг юзага келиш шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини тақозо этади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 18 майида қабул қилинган «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни тартибга солишга ва йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши шубҳасиздир.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига асосан 2012 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб йўналишсиз таксилар алоҳида жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак. Хўш, бу талаблар нималардан иборат? Биринчи навбатда шуни таъкидлаш жоизки, йўналишсиз такси фаолияти билан шуғулланадиган автотранспорт воситасининг тепасига ўрнатиладиган сариқ рангли фонарга «TAXI» ёзувли таниқлик белгиси ўрнатилиши ва автотранспорт воситасининг олди эшикларига «Т» ҳарфи ва шахмат таркибида жойлаштирилган қора квадратлар композицияси ва йўловчи ташувчи корхонанинг номи ёзилган бўлиши керак.

Бундан ташқари, олди ойнанинг юқоридаги ўнг бурчагига яшил рангли ёритиш чироғи ўрнатилади. Шунингдек, автотранспорт воситасининг салонига таксининг давлат рақам белгиси, ишнинг бошланиш ва тугаш вақтлари, ҳайдовчининг фотосурати, фамилияси, исми, шарифи, корхонанинг манзили, телефон рақами каби маълумотларни ўзида акс эттирган махсус табличкалар йўловчиларга кўринадиган қилиб жойлаштирилади.

Йўналишсиз таксиларга, шунингдек, йўловчиларга чек берадиган мослама билан жиҳозланган ҳисоблагич(таксометр) ҳам ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида бир қатор мутасадди вазирлик ва ташкилотлар қатори Ички ишлар вазирлигига ҳам алоҳида вазифа юклатилган бўлиб; унга кўра йўналишсиз таксиларга алоҳида сериядаги давлат рақам белгилари ажратилган. Бу «TTA»дан бошлаб «TTZ»гача бўлган серияли давлат рақам белгиларидир. Яъни, давлат рақам белгисининг бошланишидаги иккита «TT» ҳарфи ўзгармайди. Учинчи ҳарфи эса алфавит бўйича алмашиб бораверади. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар бир ҳудуд учун ўша ҳудудга белгиланган кодлар қўлланилади. Масалан, Тошкент шаҳрига 01 дан 09 гача, Тошкент вилоятига 10 дан 19 гача ва ҳакозо.

Йўналишсиз таксиларни бошқа автотранспорт воситаларидан ажралиб туриши учун уларнинг рангларини ҳам бир хиллаштириш назарда тутилган. Шунга кўра Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатадиган йўналишсиз таксилар «фил суяги» рангли, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда фаолият юритадиган йўналишсиз таксилар «сариқ» рангда бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузуридаги «Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментлари», Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси вакилларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан йўналишсиз таксилар фаолияти назорат қилиб борилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ушбу қарор талабларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан қўлланадиган чоралар кўриб чиқилмоқда.

# Улфатлар

**Кўнгил дафтари**

**М. АҲМЕДОВ.**

Буни замонавий эртак деса ҳам бўлади...

Бир зиёфатда етти нафар дўст-қадрдон улфатлар чақчақлашиб ўтиришган экан. Дастурхонга кўпдан-кўп ноз-неъматлар тортилибди. Машшоқлар тош кўнгилларни ҳам сел қилиб юборадиган куйлар чалишибди. Бири бирида чиройли қадаҳ сўзлари айтилибди. Бир пайт битталари кутилмаганда: «Биродарлар, мабодо Хизр бува олдимиздан чиқиб қолса, у кишидан нима сўраймиз?», деб қолибди. Бу гап улфатларни ўйлантириб қўйибди, ҳаммалари ҳушёр тортишибди, лекин ҳеч ким жавоб қайтаришга шошилмабди. Шунда касби шифокор бўлган бир йигит: «Сизларни билмадиму, мен у кишидан ҳамиша соғ-саломат бўлишимни сўрардим», дебди.

Улфатлардан бири унга эътироз билдирибди:

— Қуруқ соғлиқнинг нима кераги бор, оғайни. Мен беҳисоб бойлик сўрардим. Бойлигинг бўлса, роҳат-фароғатда яшайсан, касал бўлмайсан, докторларга ишинг тушмайди.

Бу гап тадбиркор йигитга маъқул тушмабди:

— Беҳисоб бойликнинг беҳисоб ташвиши ҳам бўлади, — дебди у дўстларига маъноли тикилиб. — Биров ўмариб кетмасин деб кун-тун пойлоқчилик қиласан, бирор жойга бемалол боролмайсан, оёқ-қўлингни узатиб ёта олмайсан, кечаси бир нима тарақлаб кетса, юрагингни ҳовучлаб қоласан. Ҳамма сендан пул сўрайди, берсанг яхшисан, бермасанг сендан расво одам йўқ...

— Гапингда жон бор, — дебди маҳалла ишларига бош-қош бўлиб юрган бақалоқ йигит, — қанийди энди юз — икки юз йил умр кўрсам. Шуни сўраса бўлмасмикин?

— Э, роса расво гапни гапирдинг-ку, — чувиллашибди улфатлар. — Нима, ҳаммамизни нариги дунёга жўнатиб, бир ўзинг қаққайиб қолмоқчимисан. Шу туришингда ҳам кўп бемаъни ишларни қиласан, бир ўзинг қолсанг борми...

Улфатлар ичида энг кичиги — яқинда уйланган ёш новвой йигит баҳсга қўшилибди:

— Хизр бувани кўриб қолсам, данғиллама участка, битта «Мерседес» машина сўрардим...

Бу гап ҳамманинг кулгисини қистабди.

— Э, каллаварам, ўша сўраб олган уйинг эртага йўлга тушиб қолиши мумкин-ку. Кейин, Хизр бува транспорт масалалари билан ҳам шуғулланади, деб сенга ким айтди ўзи?...

Ҳамма бир зум ўйланиб қолибди. Шунда ўзини анча ақлли, билимдон деб ҳисоблайдиган бир йигит баҳсга якун ясагандай бўлиб, дебди:

— Биродарлар, сал ўйлаб гапириш керак. Мана, масалан мен, Хизр бувани кўриб қолсам, аввало у кишига қуюқ салом берардим, кейин, биласизларми нима, омад сўрардим. Омадли бўлсанг, ташвиш нималигини билмайсан. Яхши одамларга қуда бўласан. Қимор ўйнасанг ҳам ютқазмайсан, омадлисан-да, сигиринг эгиз туғади, ошиғинг ҳамиша олчи. Омад сўраш керак, ҳе, ўргилдим сизлардан...

Бу гап ҳаммани ўйлантириб қўйибди. Улфатлар бир-бирларига энгашиб: «Қойил-е, шунга фаҳмимиз етмабди-я» дейишибди. Аммо яқинда фан номзоди илмий даражасини олган файласуф йигит бу таклифни ҳам рад этибди.

— Менга қаранглар, сал каллани ишлатайлик. Омад деганлари нима ўзи? Баҳорда сел келиб, маҳаллани сув босса, қўни-қўшниларнинг уйи бузилиб, бир сеники омон қолса, шу омадми? «Роҳат» кўлида чўмилаётиб, оёғингнинг томири тортишиб қолса, жон ҳолатда бақирсанг, кимдир етиб келиб, судраб қирғоққа олиб чиқса, шу омадми? Машинанг бир нимага урилиб, бошинг ёрилса, оёғинг, қовурғанг синса, аммо ўлмасанг, «Омадли йигит экан, оёғи майиб бўлса ҳам жони омон қолди», дейишса, шу омад бўладими. Тоққа саёҳатга борганингда...

— Э, бўлди-бўлди, омадни ҳам расвосини чиқардинг-ку, — чувиллашибди улфатлар. — Қўйинглар, бўладиган гаплардан гаплашайлик. Ука, чойни янгилаб кел...

Шу пайт эшик очилиб, юзи нурсизгина боланинг боши кўринибди:

— Дада, уйга меҳмонлар келди, нонга пул беракансиз...

Ҳамма худди бир нима ёдларидан чиқиб қолгандай, шоша-пиша омин қилиб, уй-уйларига тарқалишибди...



*Мана, мезон шамолида бирма-бир,*
*Пишиб етилди олмалар ҳам хил-хил.*
*Болакай дер: Нақадар соз ва асил,*
*Бобомнинг меҳнати синггон мўл ҳосил...*

## Боксчиларимизнинг бокудаги ғалабалари

**“Жаҳон чемпионати — 2011”**

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
ЎзА шарҳловчиси.

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз ҳам совринли ўринлар ва келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун рингга чиқмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Жасурбек Латипов ва Орзубек Шоимов ўз вазн тоифасидаги беллашувларни муваффақиятли бошлади. Қатор халқаро турнирларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган 20 ёшли Жасурбек жаҳон чемпионатидаги дастлабки учрашувида жазоирлик Самир Брахимини мағлубиятга учратди. Энди у 52 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларнинг кейинги даврасида беларуслик Иван Фигуренкога қарши рингга чиқади.

56 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда AIBA президенти кубоги соҳиби Орзубек Шоимов украиналик Микола Буценко устидан зафар қучди. Орзубек навбатдаги жангда венесуэлалик Анхел Родригес билан беллашади.

Мусобақада ўн вазн тоифасида чорак финалга чиққан боксчиларга олимпия йўлланмаси берилади.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)
Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Фарҳод ЭСОНОВ.
Навбатчи — Ғулом ХИДИРОВ.
«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 900. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3862.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 23.30
1 2 3 4 5